


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2012 йил 31 май, № 106 (5526) Пайшанба




## Ҳамкорлик

*Юртимиздаги тинчлик, осойишталик, иқтисодий барқарорлик, яратилган қулай инвестициявий муҳит чет эллик ишбилармонлар эътиборини ўзига тортмоқда. Биргина Хитой сармояси иштирокида республикамизда 382 та қўшма корхона ташкил қилингани бунинг яққол исботидир.*

*Ана шулардан бири — Сирдарё туманидаги “Peng-Sheng” Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси. У 36,2 гектар майдонда жойлашган кўп тармоқли йирик саноат мажмуаси ҳисобланади.*

# Имтиёз самараси

Инвесторлар йилига 4 миллион квадрат метр ҳажмда керамик плиткалар ишлаб чиқариш қувватига эга ушбу завод ва унинг инфратузилмаси учун 28,5 миллион АҚШ доллари миқдорида сармоя киритдилар. Бу ерда замонавий технология ва асбоб-ускуналар ёрдамида тайёрланаётган турли ўлчам ва рангдаги ана шундай маҳсулотлар эндиликда нафақат ички бозорда, балки хорижда ҳам харидоргир.

Айни пайтда қўшма корхонада 500 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Уларнинг тенг ярми касб-ҳунар коллежлари битирувчиларидир.

Ўтган йили қўшма корхонада 35 миллиард 532 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, унинг 865,3 минг АҚШ долларилиги экспорт қилинган эди. Жорий йилнинг биринчи чорагида бу кўрсаткич мутаносиб равишда 7 миллиард 177 миллион сўм ва 751 минг АҚШ долларини ташкил этди.

— Бизга яратиб берилаётган имтиёзлар, шу жумладан, етти йил давомида солиқлардан, олиб келинган техникалар учун божхона тўловларидан озод бўлганимиздан беҳад мамнунмиз, — дейди қўшма корхона бош директори Жи Кюхай. — Мана, кўриб турибсиз, ишончли ҳамкорлик ўз самарасини бераяпти. Ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириб, маҳсулот сифатини тобора яхшилаяпмиз.

Шуниси диққатга сазоворки, бу мажмуада Хитойнинг “Peng-Sheng Charm” ва “Peng-Sheng Shoes” корхоналари фаолияти ҳам йўлга қўйилган. Улар йилига 600 минг дона қорамол терисини қайта ишлаш ва 300 минг жуфт пойабзал ишлаб чиқариш қувватига эга.

— Мен Сирдарё саноат касб-ҳунар коллежини битириб, ўтган йилдан бери керамика плиткалари заводида ишлаяпман, — дейди ишчи Гулноза Қораева. — Шароитимиз яхши. Ишга бориб-келиш учун автобус ажратилган. Ижтимоий қўллаб-қувватлаш масалалари ҳам алоҳида эътиборга олинган. Шу боис “Бу ерга ишга кираман” деганлар жуда кўп.

— Вилоятимизда 41 қўшма корхона фаолият юритаётган бўлса, шундан олтитаси хитойлик ишбилармонлар иштирокида ташкил этилган, — дейди вилоят ҳокимлиги иқтисодиёт бошқармасининг бўлим бошлиғи Улуғбек Толипов. — Яқинда улар шу йилнинг ўзида йилига 3,5 минг дона ванна ишлаб чиқариш қувватига эга цех фаолиятини йўлга қўйиш учун бир миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритиш лойиҳасини тақдим қилишди.

(Давоми 2-бетда).



**СУРАТЛАРДА:** *корхона ишчилари Шаҳноза Муродова, Даврон Қосимов, Жавоҳир Узоқов маҳсулот сифатини кўздан кечирмоқда; Диана Одилова ва Малика Хушназарова ўз касбининг фидойиларидир.*

**Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.**

## Мамлакатимизда: Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

### Жиззах

*Вилоятда ичимлик суви тармоқларини реконструкция қилиш дастури ижросини таъминлаш мақсадида Осиё тараққиёт банкининг 31,2 миллион АҚШ долларилик кредити жалб этилди.*

#### Сув таъминоти яхшиланади

Ушбу дастур амалга оширилиши билан чўл ҳудудида жойлашган Арнасой, Зафаробод ва Дўстлик туманларининг 107 мингдан зиёд аҳоли яшайдиган 60 дан ортиқ қишлоқларида ичимлик суви таъминоти тубдан яхшиланадиган бўлди.

Бундан аввалги лойиҳада Осиё тараққиёт банки 11,5 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кредит маблағи билан Жиззах шаҳри аҳолисининг ичимлик суви таъминотини яхшилашда иштирок этганди.

**У. АДИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Самарқанд

*“Оқдарё-Ал Бухорий духоба” масъулияти чекланган жамиятида шу пайтга қадар, асосан, тўрт хил рангдаги бахмал ишлаб чиқарилган бўлса, жорий йилда ушбу матонинг яна бир янги тури ўзлаштирилди.*

#### Экспортга мўлжалланган

— 138 миллион сўм эвазига матога гул босувчи замонавий технологик линияни олиб келиб ўрнатдик, — дейди корхона раҳбари Э. Атаев. — Пировардида фаолиятимиз янада кенгайиб, ишлаб чиқариш ҳажми қарийб икки баробарга ортди. Ҳозир ички бозорга йилига 200 минг погонметр сифатли мато чиқараяпмиз.

Эндиликда корхонанинг 70 кишилик жамоаси ўз маҳсулотларини экспорт қилишни ҳам мўлжаллаяпти. Ҳозир бу борада чет эллик мижозлар билан шартномалар имзоланаяпти.

Таъкидлаш жоизки, жорий йилнинг биринчи чорагида вилоятда мавжуд саноат корхоналарини модернизация ва қайта жиҳозлаш учун 153 миллиард сўмлик инвестиция жалб қилинди.

**М. ЗИЁДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Хоразм

*Бугун истеъмолчиларнинг диди нозик, талаби юксак. Тадбиркор Йўлдош Рўзметов Янгиариқ туманидаги мебелсозликка ихтисослаштирилган “Довруғ” хусусий корхонаси фаолиятини йўлга қўйишда ана шу мезонларни ҳисобга олди.*

#### Буюртмачи мамнун

Натижада банкдан ажратилган 120 миллион сўмлик кредит эвазига замонавий технологиялар келтирилди. Малакали мутахассислар ишга жалб қилинди. Ҳозир корхона маҳсулотлари ички бозорда тобора харидоргир бўлиб бормоқда.

Янгиариқ туманида жорий йилнинг ўтган тўрт ойида 1285 та иш ўрни яратилди.

**О. РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

*“Ўзэкспомарказ”да ўтказилаётган қишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг “Uzbekistan Agrominitech Expo — 2012” VII Халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдосининг ҳар бир куни янгиликларга бой бўлмоқда. Хусусан, унинг учинчи кунида Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларидан ташриф буюрган фермерлар, агрофирма ҳамда кичик тадбиркорлик субъектлари раҳбарлари замонавий минитехнологиялар, қишлоқ хўжалиги техникалари сотиб олиш бўйича кўплаб шартномаларни имзолашди.*

2012 Uzbekistan AGROMINITECH EXPO 2012

# Манфаатли келишувлар, амалий ҳаракатлар

— Президентимизнинг 2006 йил 24 августдаги “Қишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдосини ўтказишни ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида ўтказилаётган ушбу кўргазма соҳани модернизациялаш, унга жаҳоннинг илғор технологияларини татбиқ этиш жараёнларини жадаллаштириб юборди, — дейди “Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” акциядорлик лизинг компанияси етакчи мутахассиси Динора Абдураҳмонова. — Қувонарлиси, яратиб берилган шарт-шароитлардан унумли фойдаланаётган фермерларнинг юқори унумли техника ва агрегатларни сотиб олишга бўлган иштиёқи ҳам ортиб бораяпти. Бу борада компаниямиз томонидан ҳам уларга қулай шартларда юқори сифатли хизмат кўрсатиб келинмоқда. Масалан, кўргазма-савдонинг учинчи кунида фермерларнинг талабидан келиб чиқиб, 200 та қишлоқ хўжалиги техникаси етказиб бериш бўйича шартномалар тузилди.

Келишди, кўришди, маъқулини танлашди. Кўргазма иштирокчилари билан суҳбатлашган киши борки, шундай тўхтамга келди. Сабаби, бу ерга мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан келган фермер ва тадбиркорларнинг деярли барчаси кўпдан буён орзу қилиб юрган минитехнология, ускуна ёхуд техникани топиб, уни сотиб олиш бўйича шартномага эришмоқда.

Бу йилги тадбир, айниқса, тўрақўрғонлик фермер Сабоҳат Жакбаралиева учун жуда самарали бўлди. Чунки у бир пайтнинг ўзида ғўза қатор ораларига ишлов берувчи трактор, замонавий экскаватор ҳамда макарон ишлаб чиқариш минитехнологиясини харид қилиш учун шартнома имзолади.

— Бизнинг “Султон” фермер хўжалигимиз кўп тармоқли бўлиб, деҳқончилик, боғдорчилик, чорвачилик ва асаларичилик билан шуғулланар эдик, — дейди фермер. — Кўргазма шарофати билан хом ашё етиштирувчидан уни қайта ишловчига айландик. Аввалги кўргазмада мева-сабзавотни қайта ишлаш ускунасини сотиб олиб, ишга туширдик.

(Давоми 2-бетда).

## Янги технологиялар:

# Сифат, унум, натижа

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида фақат ўтган йилнинг ўзида намунавий лойиҳалар асосида умумий майдони 1 миллион 100 минг квадрат метр уй-жой қуриб битказилганлиги, бу мақсадлар учун 576 миллиард сўмликдан ортиқ инвестициялар йўналтирилганлиги, уларнинг 63 фоиздан зиёдини марказлаштирилган манбалар ва “Қишлоққурилишбанк” маблағлари ташкил этганлиги алоҳида таъкидланди.*

### Бинокорлик

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бошланган бундай эзгу ишлар қишлоқ аҳолисига кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътиборнинг ёрқин намунасидир. Ўтган йили Сурхондарё вилоятида ҳам намунавий лойиҳалар асосида 675 та уй-жой қурилди. Жумладан, Денов туманида 155 та, Қумқўрғонда 50 та, Сариосиёда 50 та, Бойсунда 45 та хонадон эгалари Янги йилни шинам уйларда кутиб олишди. Юртбошимизнинг 2009 йил 3 августдаги “Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида эса, айни пайтда 13 та тумандаги 21 та массивда 680 та якка тартибдаги уй-жой жадал бунёд этилмоқда.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, қурилиши бошланган уй-жойлар учун 19040 дона ҳар хил ўлчамдаги темир-бетон маҳсулоти керак бўлади. Ушбу маҳсулотлар вилоятда фаолият кўрсатаётган 13 та йирик корхона томонидан етказиб берилмоқда. Бундай хайрли ишда мустақиллик туфайли тадбиркорлик фаолиятини бошлаган Узун туманилик Нўъмонжон Мелибоевнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. У 2000 йилда укаси Иномжон билан биргаликда Обизаранг дарёси бўйидан ер олиб, темир-бетон буюмлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйган эди. Бироқ танланган жой темир йўлдан олислиги боис корхона маҳсулотларини мижозларга етказиб беришда анчагина қийинчиликлар туғилди. Шунда Нўъмонжоннинг тадбиркорлиги яна иш берди. У туман марказида бўш ётган корхона ҳовлисини ижарага олиб, технология-ускуналари ҳамда механизмларини ўрнатди.

Шу-шу, Нўъмонжон Мелибоев бошлиқ жамоанинг иши юришиб кетди. Бугунги кунда корхонада ишлаб чиқарилаётган темир-бетон буюмлари ҳамда электр симлари тортишга мўлжалланган симёғочларга буюртмалар сони тобора ортмоқда.

(Давоми 2-бетда).

*Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида бир қатор вазирликлар, давлат қўмиталари, Марказий банк вакиллари, вилоятлар ҳокимларининг ўринбосарлари ҳамда хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар раҳбарлари билан учрашув бўлиб ўтди.*

# БОШ ПРОКУРАТУРАДА УЧРАШУВ

Учрашувда мамлакатимизда қулай инвестицион муҳит яратилганлиги, хорижий инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган кенг қамровли имтиёз, афзалликлар ва кафолатлар тизими барпо этилганлиги таъкидланди.

Шунингдек, мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи тармоқлари ва соҳаларида хорижий инвестициялар иштирокида 4,2 мингтадан кўпроқ корхона ташкил этилгани ва муваффақиятли фаолият юритаётгани қайд қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 апрелда қабул қилинган «Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони мамлакатимизга хорижий инвестициянинг янада кенгроқ жалб қилиниши учун қулай шароит яратилишида муҳим омил бўлиши, шу сабабли, ушбу Фармоннинг ижроси масъул идоралар томонидан тўлиқ таъминланиши шартлиги алоҳида таъкидланди.

Шу билан бирга, учрашувда хорижий инвестицияларни жалб қилишни рағбатлантиришга қаратилган қонун ҳужжатларига давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан сўзсиз риоя этилиши,

(Давоми 2-бетда).

# Меҳр-мурувват маскани

*Мамлакатимизда инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш, айниқса, қариялар ҳолидан хабар олиш, муҳтожларга кўмак бериш, ўтганлар хотирасини ёдда сақлаб, эъзозлаб яшашдек азалий эзгу фазилатларимиз истиқлол туфайли қайта кўз очди.*

### Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

Бундай одат, Президентимиз таъкидлаганидек, миллий қадриятимизга айланиб, қон-қонимиз, суяк-суягимизга сингиб кетган. Ушбу амаллар халқимизнинг ўзига хос, бошқалардан ажралиб турадиган ноёб хислатидир. Энг муҳими, давлатимиз сиёсати даражасига кўтарилган мазкур масалалар маҳаллаларнинг ҳам доимий диққат-эътиборида.

Хусусан, Бектемир туманидаги “Роҳат” маҳалласида кексаларни қадрлаш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш, пировардида фуқароларнинг фаровон ҳаёт кечиришларига зарур шарт-шароитлар яратиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилаётир.

— Бугунги кунда маҳалламизда 1050 та оила истиқомат қилади, — дейди ушбу маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Ҳалима Йўлдошева. — Уларнинг 36 таси ёш оилалардир. Маҳалладаги маънавий муҳитни сақлаш, оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ёшлар тарбиясини тўғри йўлга қўйиш, кексаларни қадрлаш, ҳолидан хабар олишга жиддий эътибор қаратаяпмиз. Ушбу йўналишдаги ишларни амалга оширишда “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастури муҳим асос бўлмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## Бир рақам шарҳи

# ЁШ ОИЛАЛАРГА МОЛИЯВИЙ МАДАД

2012 йилнинг январь-апрель ойларида тижорат банклари томонидан ёш оилаларга тадбиркорлик фаолиятини бошлаши учун

**23,6 миллиард сўм миқдорида имтиёзли микрокредитлар ажратилди.**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастурининг изчил ижросини таъминлаш, кичик бизнес субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, аҳоли, айниқса, ёш оилаларни тадбиркорликка кенгроқ жалб қилиш мақсадида кўрилаётган чора-тадбирлар туфайли ана шундай натижага эришилди.

# Манфаатли келишувлар, амалий ҳаракатлар



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Натижада ўтган йили боғимизда етиштирилган олма, ўрик, шафтоли, гилос ва нокни ўзимиз қайта ишлаб, аҳолига 30 минг дона шартли банка миқдорида тайёр маҳсулот етказиб бердик. Ҳадемай, бугун сотиб олинган ихчам линия ёрдамида ички бозорга макарон маҳсулотларини ҳам чиқара бошлаймиз.

Иштирокчиларга кўргазма майдонлари бепул тақдим этилаётгани хорижлик ишлаб чиқарувчиларнинг унга бўлган қизиқишини янада оширмоқда. Тадбирда юзлаб чет эл компаниялари ўз маҳсулотларини намойиш қилаётгани бунинг яққол исботидир.

— Биз ўзбекистонлик ишбилармонларга шолини қайта ишловчи минитехнологияни таклиф қилаяпмиз, — дейди Малайзиянинг “Mula Makmur SDN. BHD.” компанияси раҳбари Альберт Лим. — Бу ускуна, кичик бўлса-да, иш унумдорлиги юқори — соатига 180 килограммгача шолини сифатли қайта ишлайди. Электр энергиясини эса кам сарфлайди. Шу каби афзалликлари боис кўплаб буюртмалар олдик. Намойишга қўйилган мазкур ускунани кеча Қўнғирот туманидаги “Затунтоғ” фермер хўжалиги раҳбари Гулора Сатбоева сотиб олди. Кўргазма давомида ҳам кўплаб шартномалар имзолашимиз аниқ.

Агросаноат мажмуида хорижнинг илғор қайта ишлаш ва қадоқлаш технологиялари татбиқ этилиши ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар рақобатбардошлигини таъминлаш ва экспорт ҳажмини оширишга хизмат қилади, албатта.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.*

# Ижтимоий лойиҳалар

## фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг муҳим омили

Унда комиссия аъзолари, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбирда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтлари ролини янада кучайтириш, мамлакатимизда демократлаштириш жараёнларини жадаллаштириш ҳамда жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Тегишли ҳуқуқий-ташкилий пойдевор яратилгани бу борада катта омил бўлмоқда, албатта. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида илгари сурилган устувор йўналишлар бу борада янги босқични бошлаб берди.

Бинобарин, фуқаролик жамияти институтлари ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини ҳаётга татбиқ этиш, ижтимоий ҳамкорликни кучайтириш, гуманитар муаммоларни ҳал этиш, мамлакатимиз аҳолиси турли қатламларининг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилишда салмоқли ўрин тутмоқда.

— Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини кенг қўллаб-қувватлашнинг яхлит миллий модели шакллантирилди, — дейди сенатор, Парламент комиссияси аъзоси F. Муҳамедов. — Таъкидлаш жоизки, мазкур тизимнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, чунончи, улар фаолиятини молиялаштириш манбаларини шакллантириш ва Давлат бюджетидан йўналтириладиган маблағларни тақсимлаш каби жараёнлар демократик талаб ва тамойиллар асосида амалга оширилмоқда. Булар, ўз навбатида, фуқаролик жамияти институтлари ижтимоий фаоллигини оширишга хизмат қилаяпти.

Йиғилишда Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди томонидан ўтказилган иккита грант танлови якунлари ва лойиҳаларнинг социал ролини аниқлаш масалалари муҳокама этилди. Унда жорий йил 20 апрелидан 18 майига қадар эълон қилинган икки давлат гранти танловларида ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан жами 430 та грант аризаси келиб тушгани маълум қилинди.

Жумладан, ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган муҳим давлат ва ҳудудий дастурларни амалга ошириш, ёш оилаларни, ёшларни ва аёлларни қўллаб-қувватлаш, уларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш, республикамизнинг узоқ қишлоқ ҳудудларида оилавий бизнес, касаначилик, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда нодавлат нотижорат ташкилотларининг иштирокига оид 219 та “учинчи сектор” вакили 264 та грант аризаси билан иштирок этди. Ушбу кўрсаткич 2011 йилдагига нисбатан 21,1 фоизга ошди. Айни чоғда мустақил оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш, журналистларнинг касбий кўникмаларини такомиллаштириш, мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг ошкоралиги ва очиқлигини таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти, билимларини оширишга қаратилган иккинчи йўналишда 121 та мустақил ОАВ субъектидан 166 та грант аризаси келиб тушди. Бу эса ўтган йилдагига қараганда 33,9 фоизга кўпдир. Шубҳасиз, бундай самарадорликка эришишда кенг қамровли ахборот-тушунтириш ишлари олиб борилгани, турли семинар-тадбирлар ўтказилгани айни муддао бўлди.

Йиғилишда ННТлар ижтимоий фаоллигини изчил ошириш, уларнинг Жамоат фонди танловларидаги иштирокини юксалтириш, қабул қилинган лойиҳаларни тегишли муддат ичида чуқур ўрганиб чиқиш, уларнинг ижтимоий аҳамиятини аниқлаш юзасидан қарор қабул қилинди.

**С. МАХСУМОВ.**

## Янги технологиялар:

# Сифат, унум, натижа

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Қишлоқларда замонавий лойиҳа асосида турар-жойлар қурилиши бошлангандан сўнг, маҳсулотларимиз харидоргирлиги янада ошди, — дейди “Сурхон қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш” корхонаси таъсисчиси Нўъмонжон Мелибоев. — Ўтган йили биргина темир-бетон буюмларининг ўзидан салкам 400 донасини “Қорашиқ” ҳамда “Меҳнат” аҳоли массивларида уй-жойлар қураётган жамоаларга етказиб бердик.

Ҳозирги кунда қўшни туманларнинг қурувчилари ҳам мазкур корхона маҳсулотларига буюртма бераяпти. Жорий йилнинг дастлабки чорагида 150 миллион сўмлик турли ўлчамдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилгани бунинг тасдиғидир.

— Даромадимиз ҳисобидан янги ва замонавий технологиялар сотиб олаяпмиз, — дейди суҳбатдошимиз. — Нега деганда, давр билан баравар қадам ташлаган корхонагина рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариши мумкин. Қуйилаётган плиталарга ишлатиладиган тебратгичлар қанча кучли бўлса, маҳсулотнинг пишиқлик даражаси ҳам шунча ортади. “Иш қуролинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлар” деганларидек, янги технология ва ускуналар ишимизда сифатни таъминлаяпти.

Эътиборли томони шундаки, икки йилдирки, корхона жамоаси Россиянинг “Лукойл” компанияси билан тузилган шартномага кўра, уларга таянч сим ўтказгичлар ҳам тайёрлаб бермоқда.

Ҳар бир юмушнинг ўзига яраша қийинчилиги, сирсиноати бўлади, албатта. Бетон қоришмалари тайёрловчи Саиджон Ҳалимов — ўз ишининг устаси. Бетонни меъёрига етказиб қорийди. Нозим Расулов, Абдумажид Султонов ҳам кўп йиллардан буён шу корхонада меҳнат қилади. Ишнинг кўзини биладиган йигитлар. Бу ерда ишлаётган 15 нафарга яқин ишчи-хизматчилар учун ҳамма шароит яратилган.

2011 йили туманнинг “Қорашиқ” ҳамда “Меҳнат” аҳоли массивларида қурилган уйларнинг 30 тасига хонадон эгалари кўчиб киришди, уй тўйларини нишонлашди. Бунда, албатта, тадбиркор ака-ука Нўъмонжан ва Иномжон Мелибоевларнинг ҳам камтарона улуши бор. Муҳими, бинокорликда ишлатиладиган материалларнинг аксарияти туманнинг ўзида ишлаб чиқарилаётганлиги қурилаётган уйлар таннархининг арзонлашувида муҳим омил бўлмоқда.

**Нормурод ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Меҳр-мурувват маскани

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Айни чоғда жамиятимизнинг асосий бўғини бўлган оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантиришда маҳалланинг ролини кучайтириш бўйича бевосита иш олиб бораяпмиз. Оилавий ажримларнинг олдини олиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар кутилган натижани бераётир. Мисол учун, яқинда бир оиланинг шикоят аризасини кўриб чиқдик. Унда эр хотинидан норозилигини баён қилган. Ўртада икки нафар фарзанд бор. Маҳалла фаолларининг бевосита аралашуви, узоқ олиб борилган тушунтириш ишларидан сўнг бир оила сақлаб қолинди. Икки фарзанд, икки қоракўзнинг бахти бекам бўладиган бўлди. Мана, ҳозир бу оиламиз аҳил-иноқ. Айни пайтда кам таъминланган оилалар вакилларининг ишга жойлашишига кўмаклашиш, бундай оила фарзандларини зарур ўқув қуроллари билан таъминлашга ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда.

Барчамизга яхши аёнки, қаерда иш яхши ташкил этилса, ўша ерда олдинга силжиш кузатилади. Айниқса, маҳалла фаолларининг қарияларни қадрлаш, уларни ёшларга ибрат қилиб кўрсатиш борасида олиб бораётган изчил фаолияти эътиборлидир.

— Бугунги тинч-осойишта кунларга эришганимизга минг шукр, — дейди маҳалла фаоли, меҳнат фахрийси 81 ёшли отахон Набижон Ҳожиматов. — Анча кексайиб қолган бўлсам-да, маҳалладаги баъзи бир ишларга нафим тегаётганидан, ёшларга маслаҳатларим асқотаётганидан бахтиёрман. Кўпинча ёшлар билан суҳбатлашганимда, уларга тинч, дориламон кунларимизнинг қадрига етиш лозимлигини такрор ва такрор айтаман. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, ўсиб келаётган ёш авлод истиқлолимиз тарихини чуқур ўрганиши, бундай кунларга осонлик билан эришилмаганини тушуниб, англаб етиши зарур. Мана шу руҳда тарбияланаётган фарзандларимиз, шубҳасизки, Ватанимиз шаънини, халқимиз манфаатларини ҳимоя этишга қодир бўла олади. Юртимизда инсон манфаатлари юксак қадрланмоқда. Жумладан, ўзим мамлакатимизда кексаларга кўрсатилаётган ҳар бир эъзоздан баҳрамандман.

Қарияларни қадрлаш, уларни эъзозлаш юқорида айтганимиздек, халқимизга хос фазилат. Ушбу қадриятнинг ҳаётимиздаги аҳамиятини янада ошириш, бу борада маҳалланинг ролини изчил кучайтириш эса кўзланган эзгу мақсадлар рўёбида, айниқса, муҳим ҳисобланади.

**Зиёда АШУРОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# БОШ ПРОКУРАТУРАДА УЧРАШУВ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар фаолиятига ноқонуний аралашиш ҳолатларига йўл қўйилмаслиги, шунингдек, мазкур соҳада прокурор назорати кучайтирилиши ва хорижий инвесторларнинг ҳуқуқий ҳимояси бўйича таъсирчан чоралар қўлланилиши, уларнинг қонуний манфаатларини бузган мансабдор шахсларнинг жавобгарликка тортилиши борасида қатъий талаблар қўйилди.

Учрашувда иштирок этган хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар раҳбарлари билан очиқ мулоқот ўтказилиб, муҳокама қилинган масала бўйича фикр алмашилди, шунингдек, улар давлат бошқаруви органлари масъул ходимларидан ўзларини қизиқтирган саволларга тўлиқ ва атрофлича жавоб олдилар.

Учрашувда мутасадди идораларга хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашда мансабдор шахсларнинг масъулияти ва шахсий жавобгарлигини кескин оширишга қаратилган тегишли тавсиялар берилди.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Бош прокуратураси**
**матбуот хизмати.**

# Имтиёз самараси

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Жамоамиз ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун электр, газ, сув таъминотларининг яхшилиги, темир йўл шохобчаси мавжудлиги, қўшимча ер майдони ажратиш имконияти борлигини инобатга олиб, янги лойиҳаларни амалиётга жорий этиш устида изланмоқда, — дейди қўшма корхона бош директори. — Саноат ва маиший хизматда қўлланиладиган электр жиҳозлари, сантехника, мобиль телефон аппаратлари ишлаб чиқариш каби лойиҳалар ана шулар жумласидандир.

Хулоса ўрнида айтганда, хитойлик ишбилармонлар Сирдарё вилоятида яратилган қулай инвестициявий шароитлардан оқилона фойдаланиб, ўз бизнесини кенг кўламда ривожлантирмоқдалар. Бу ҳамкорлик самараси эса ишлаб чиқариш кўрсаткичларида яққол намоён бўлаяпти.

**Шомурод ХОЛМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Бизнес ғоялар – ишлаб чиқаришга

*Илғор ва тежамкор технологиялар ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминловчи муҳим омилдир. Шу боис мамлакатимиз тадбиркорлари хориждан келтирилган замонавий дастгоҳ ва ускуналар ёрдамида сифатли ҳамда рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Бу жараёнда чуқур билим ва юксак малакага эга ёш мутахассислар меҳнатидан фойдаланилаётгани, айниқса, қўл келаётир.*

## Интилиш



— Ғиждувон туманидаги Армечан маиший хизмат касб-ҳунар коллежини тамомлаб, Бухоро шаҳридаги “СулШерЖаҳон” хусусий корхонасида иш бошладим, — дейди Шамшод Самадов. — Қисқа муддатда илғор технологияларни бошқаришни ўзлаштирдим. Бугун ўз меҳнатим билан ҳам корхонага, ҳам оиламга нафим тегаётганидан хурсандман.

Эътиборлиси, “СулШерЖаҳон”да Шамшод сингари изланувчан ёшлар кўпчиликни ташкил қилади. Улар кўмагида тайёрланаётган сифатли колбаса ҳамда сут маҳсулотлари бугун ички бозорда харидоргир.

— Қисқа даврда ишлаб чиқариш ҳажмини йигирма бараварга оширдик, — дейди корхона раҳбари Шерали Султонов. — Агар 2008 йилда 452 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлаган бўлсак, ўтган йили бу кўрсаткич саккиз миллиард сўмдан ошиб кетди. Австриянинг “Шаллер” компанияси, Россиянинг “Воронеж механика заводи”дан келтирилган жиҳозлар иш унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини янада яхшилаш имконини бермоқда. Пишиқ-пухта ўйланган бизнес лойиҳалар асосида йилига 700 тонна гўштни қайта ишлаш қувватига эга технологик линияни ишга туширдик. Бунинг учун 200 миллион сўмлик ўз маблағимиз ҳамда “Алоқабанк” вилоят филиали томонидан ажратилган 600 миллион сўмлик кредитдан самарали фойдаландик. Бинобарин, йилига 1500 тонна сутни қайта ишлаш қувватига эга лойиҳани рўёбга чиқаришимизда ҳам молия муассасасининг кўмаги қўл келди.

Бу саъй-ҳаракатлар ўзини оқлади. Корхонада маҳсулот тури элликтага етди. Ҳозир бу ерда олтмиш киши меҳнат қилмоқда. Уларнинг аксарияти навқирон авлод вакилларидир. Корхонанинг бозордаги рақобатни ҳисобга олган ҳолда дунёдаги етакчи компания ва фирмалар билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйгани, хорижлик мутахассислар томонидан маҳаллий ёшларга касб сирлари мукаммал ўргатилаётгани, айниқса, эътиборга молик. Хусусий корхонанинг 2011 йилда ўтказилган “Ташаббус” кўрик-танлови республика босқичида совриндорлар қаторидан ўрин олгани ҳам бежиз эмас.

Дарвоқе, ўтган йил якунида “СулШерЖаҳон” ўз чорвачилик комплексига ҳам эга бўлди. Бу ерда 210 бош қорамол парвариш қилинаяпти. Мазкур ёрдамчи хўжалик ҳозирданоқ гўшт ва сутга бўлган эҳтиёжнинг бир қисмини қоплаш имконини бермоқда.

Кўриниб турибдики, бизнес лойиҳалар янги иш ўринлари яратиш, маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш, даромадни кўпайтиришга хизмат қилаётир. Бинобарин, корхона фойданинг бир қисмини хайрли ишларга сарфлаяпти. Жумладан, Меҳрибонлик уйи, махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчилари, кўзи ожизлар, кам таъминланган оилаларга ҳомийлик ёрдами кўрсатмоқда. Корхона Бухоро шаҳрининг ободонлаштириш юмушларида ҳам фаол.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**СУРАТДА:** оператор Анвар Каримов.

**Шомурот ШАРАПОВ**
**олган сурат.**

# Қисқа сатрларда

Вокеалар, янгиликлар, хабарлар

ХОНОБОД шаҳридаги Фозиломон қишлоқ врачлик пунктига қуёш батареяси ўрнатилгач, мазкур тиббиёт муассасасини узлуксиз равишда электр энергияси билан таъминлаш имконияти юзага келди. Ушбу хайрли юмуш “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси ҳомийлигида амалга оширилди.

**ГУЛИСТОН шаҳрида “Ҳамшира — 2012” республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда танловнинг туман ва шаҳар босқичларида ғолибликни қўлга киритган “саломатлик маликалари” ўз маҳорат ва истеъдодларини намойиш этишди. Якунда Сирдарё тумани тиббиёт бирлашмаси жонлантириш ва анестезиология бўлими ҳамшираси Холида Курбонова биринчи ўринга муносиб кўрилди.**

САМАРҚАНД шаҳрида тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ҳамда улар фаолиятини ҳар томонлама ҳимоя қилишга оид қонун ҳужжатлари мазмун-моҳиятини ишбилармонларга кенг тушунтиришга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Тадбирда тегишли бошқарма ва идора вакиллари ҳамда тадбиркорлар иштирок этди.

**УЗУН туманидаги “Жавоҳир” корхонасида йилига 100 тонна сутни қайта ишлашга мўлжалланган янги технологик линия фойдаланишга топширилди. Мазкур лойиҳани рўёбга чиқариш учун 50 миллион сўм сарфланди.**

**«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

Ёзги таътил

*Пойтахтимизда болаларнинг ёзги таътили мароқли ўтишини таъминлаш ва кундузги соғломлаштириш оромгоҳларини намунали ташкил этиш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.*

# Кундузги соғломлаштириш оромгоҳлари

## болаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишда алоҳида аҳамиятга эга

Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси ва “Баркамол авлод” болалар ижодиёти маркази ҳамкорлигида уюштирилган мазкур тадбирда мактаблар қошидаги соғломлаштириш оромгоҳларининг раҳбарлари ва педагог ходимлар қатнашди.

Семинарда қайд этилганидек, мамлакатимизда ёш авлоднинг маънан ва жисмонан баркамол бўлиб вояга етиши йўлида аниқ мақсадга йўналтирилган изчил саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Зеро, навқирон ўғил-қизларга замонавий асосда таълим-тарбия бериш ва уларнинг келажакда юрт корига ярайдиган фарзанд бўлиб етишишларини таъминлашга эътибор масаласи муҳим аҳамиятга эгадир. Ўз навбатида, ўқув мавсуми якунланиб, ўқувчиларнинг мароқли дам олишини таъминлаш ва соғломлаштириш билан боғлиқ чора-тадбирларни намунали амалга ошириш ҳам юқоридаги долзарб вазифаларнинг мантиқий давоми ҳисобланади. Бу борадаги вазифаларни бажаришда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 март куни қабул қилинган “Болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори муҳим дастуриламал бўлаётир.

Тадбирда ёзги таътил даврининг мазмунли ўтказилиши учун мактаблар қошида 36 та кундузги оромгоҳ фаолияти йўлга қўйилиши кўзда тутилганлиги айтиб ўтилди. Ушбу масканларга тўрт босқичда 16500 нафар ўқувчи жалб қилинади. Уларда болаларнинг мароқли дам олишларини таъминлаш учун махсус дастур ишлаб чиқилган бўлиб, ёшларнинг ўз вақтида овқатланиши, ижодий тўгараклар ва турли интеллектуал беллашувларга жалб қилиниши, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши учун мақбул шарт-шароитлар яратилади.

— Оромгоҳларда ўтказиладиган маданий-маърифий ва спорт тадбирларига юртимиздаги таниқли ижодкорлар ҳамда спортчилар таклиф этилади, — дейди Бектемир тумани “Баркамол авлод” болалар маркази ўқув ва маънавий-маърифий ишлари бўйича раҳбар ўринбосари Нилуфар Тошматова. — Бу, ёзги таътил мавсуми янада сермазмун ўтиши, ўқувчиларнинг жисмоний ҳамда руҳий жиҳатдан янада кучга тўлишларида муҳим аҳамият касб этади.

**Суннатилла ИСЛОМОВ.**

# Хитойлик мусаввирлар кўргазмаси

*Тошкент Фотосуратлар уйида Хитой замонавий рангтасвир санъатига бағишланган кўргазма очилди. Мазкур тадбир “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси, Бадиий академия ҳамда Бутунхитой халқаро дўстликни ривожлантириш уюшмаси ҳамкорлигида уюштирилди.*

## Санъат

Кўргазманинг очилишида қайд этилганидек, бугунги кунда юртимиз ва Хитой давлати ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқалари изчил ривожланиб бормоқда. Бу ҳар икки мамлакатнинг маданият ва санъат йўналишидаги қатор лойиҳалари мисолида ҳам ёрқин намоён бўлаётир. Хусусан, Ўзбекистон ва Хитойда ўтказиладиган турли маданий тадбирлар, санъат анжуманлари халқларимизнинг дўстлик ва ҳамжиҳатлик муносабатларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётганлиги билан аҳамиятлидир.

Бундан уч йил муқаддам “Фонд Форум” ҳамда Бутунхитой халқаро дўстликни ривожлантириш уюшмаси ўртасида маданият ва санъат соҳасидаги халқаро меморандум имзоланган эди. Ушбу ҳуқуқий ҳужжатга мувофиқ, ҳамкорликда турли кўргазмалар, фестиваллар, симпозиум ҳамда анжуманлар ўтказилмоқда. Мазкур тадбирлар мамлакатларимизнинг бой тарихий мероси ва бебаҳо миллий қадриятларини кенг миқёсда тарғиб қилишда муҳим ўрин тутаётир. Хитойлик машҳур рассомлар ижодига мансуб бу галги кўргазма ҳам ана шундай эзгу мақсадда ташкил этилган.

— Юртингизда ижод аҳлига юксак ғамхўрлик кўрсатилаётганлиги, истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилаётгани ниҳоятда ҳавасимизни келтирди, — дейди кўргазма иштирокчиси, рассом Ченг Дали. — Шубҳасиз, бундай эркин ижодий муҳит санъаткорни руҳлантиради, унга илҳом бағишлайди. Шахсан ўзим ҳам Ўзбекистоннинг гўзал табиати, тарихий гўшалари, очиқ чеҳрали меҳмондўст одамлари билан яқиндан танишиб, бир олам завқ олдим.

Кўргазмадан Хао Вангкинг, Хийэ Гуанрен, Ченг Жианг сингари истеъдодли мусаввирларнинг пейзаж, портрет, натюрморт жанрларидаги ёрқин ҳаётий манзараларга бой ажойиб суратлари ўрин олган.

**Муборак ОХУНОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## 31 май — Халқаро кашандаликка қарши кураш куни

*“Чекиш — инсонни ўлдиради!” Бугун бу иборани деярли ҳар битта сигарета қутисида кўриш мумкин. Гўёки, ҳар бир қутидан бизнинг вужудимизни илма-тешик қилиб юборишга қодир бўлган 20 та ўқ “мўралаб” тургандек... Ҳар гал унинг ичидан навбатдаги “ўқ”ни олиб, лабимизнинг бир четига қистирганимизда, ўз ҳаёт томиримизга ўз қўлларимиз билан болта ураётганимизни англаб етолмаймиз...*

# Умр заволи



Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, ҳар йили дунё миқёсида 5 миллион нафардан зиёд инсон тамаки маҳсулотлари туфайли келиб чиқадиган хасталиклар оқибатида ҳаётдан кўз юммоқда. 17 миллион нафарга яқин одам эса айнан кашандалик оқибатида юрак-қон томир, ўпка саратони, сил, ошқозоности безиi яллиғланиши, кўкрак бези саратони, оғиз бўшлиғида келиб чиқадиган турли хасталикларни орттириб олаяпти. Кишини ваҳимага соладиган бундай рақам ва далилларга қарамай, афсуски, чекадиганлар сони камаймаётир.

— Бу, асосан, тарбия билан бевосита боғлиқ, — дейди психолог Муҳаммаджон Мавлонов. — Зеро, оилада бирон киши чекса, улғаяётган фарзанд, айниқса, ўғил болалар ҳам ана шунга одатланадилар. Қолаверса, бола атрофидаги дўстлари ёки катталарга қизиқиш ва ҳавас туфайли ҳам чекишга ўрганиши мумкин. Бу билан у ҳам катталарга тақлид қилади, ҳам ўзининг энди гўдак эмаслигини исботламоқчи бўлади. Ачинарлиси шундаки, дастлаб қизиқишдан бошланган иллат бора-бора зарарли одатга, ундан кейин эса тамакига қарамликка айланади.

Мутахассисларнинг айтишича, тамаки таркибидаги заҳри қотил кишининг жисмоний ва руҳий ҳолатига зиён етказибгина қолмай, унинг атрофидаги чекмайдиган инсонларга ҳам салбий таъсир кўрсатади. Айниқса, кашанда ота-оналардан туғилажак фарзандлар соғлиғи жиддий таҳдид остида бўлади. Бундан ташқари, сигарета тутуни орқали атмосферага тарқалаётган заҳарли ис гази ҳайвонот ва наботот оламига ҳам зарар келтиради. Бугун башарият учун энг хавфли кўникмалардан бирига айланиб бораётган мазкур глобал муаммони бартараф этиш мақсадида 31 май — Халқаро кашандаликка қарши кураш куни деб эълон қилинган.

Тадқиқотларга кўра, бир дона сигаретани ишлаб чиқариш учун инсон саломатлигига ўта хавфли бўлган кўплаб кимёвий моддалар, хусусан, бутан, метан, кадмий, кўмир гази, гексамин, маргимуш, метанол, аммоний ва никотиндан, шунингдек, газни тутиб туриш учун махсус ишлов берилган қоғоздан ҳамда елим ва хавфли бўёқдан фойдаланилади. Ундан чиқадиган тутун таркибида эса 4000 га яқин зарарли ис гази мавжуд бўлиб, бу автомобиль тутунига нисбатан 4 баробар кўпроқдир. Бошқача айтганда, бир дона сигарета чекиш учун ўртача 3-5 дақиқа вақт сарфлайдиган кашанда гўёки 12-20 дақиқа мобайнида автомобиль тутунидан нафас олган одам билан тенг заҳарланади. Тамаки таркибидаги моддалар ичида энг хавфлиси смола бўлиб, унинг атиги бир томчиси битта отни ўлдиришга кифоя қилар экан. Қолаверса, сигарета чекувчилар оксид ва монооксид углеродлари, цианист водороди, оддий тилда айтганда, заҳарни ҳам ичларига ютадилар.

Буюк британиялик шифокор Поль Жепсон антиқа фикрни илгари сурди. У чекиш қурбонларининг кундалик рўйхатини дунёнинг бутун босма матбуот ва интернет нашрларида чоп этиб боришни йўлга қўйишни таклиф қилди.

— Ана шундай усул ёрдамида кишиларни чекишдан қайтариш мумкин бўларди, — дейди шифокор ишонч билан. — Ахир ҳар битта кашанда, агар бунга нуқта қўймаса, куни келиб ўзининг номи ҳам мазкур рўйхатдан ўрин олиши мумкинлигини билиши керак...

Айни пайтда мамлакатимизда тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва реализация қилишни тартибга солиш, инсонлар, айниқса, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, тамакига қарамликнинг олдини олиш, чекишни бутунлай ташламоқчи ва шу мақсадда даволанмоқчи бўлаётганларга амалий кўмак кўрсатиш борасида кўплаб хайрли ишлар қилинмоқда. Хусусан, 2011 йил 5 октябрда имзоланган “Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ишлаб турибди.

...Бир ёзувчи “Чекишни ташлаш жудаям осон, масалан, мен ҳар куни камида 100 марта ташлайман”, деган экан. Бу гарчи ҳазиломуз айтилган бўлса-да, ўз ҳаётини, яқинларининг саломатлигини қадрлаган инсонлар учун, албатта, чекишдан бутунлай воз кечиш асло қийин иш эмас.

Зотан, биз сигарета тутатиш билан нафақат ўз соғлиғимизга, балки яқинларимиз саломатлигига ҳам жиддий таҳдид солаяпмиз. Боз устига, савобли юмушларга сарфлашимиз мумкин бўлган маблағни, ҳеч муболағасиз, кўкка совурмоқдамиз. Пулни-ку топса бўлар, бироқ бой берилаётган ҳаётимизни, увол қилаётган саломатлигимизни кейин топа оламизми?!

**Ҳасан ТОШХЎЖАЕВ.**

● **Реклама ва эълонлар** ●


**«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

**БУХОРО ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!***

Аукцион савдосига Олот тумани СИБ томонидан, Бухоро вилояти хўжалик судининг 2011 йил 15 августдаги ижро варақасига асосан хатланган, «Асртекс» МЧЖга тегишли, Олот тумани, Дўстлик кўчасида жойлашган, умумий ер майдони 13500,0 кв.м.дан иборат маъмурий маиший бино, қозонхона, кондиционер биноси, ҳожатхона, ҳимоя девори ва асфальт қопламаси ҳамда 36 номдан иборат асбоб-ускуналар мулкий мажмуа сифатида қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 11 451 254 155 сўм.***

***Аукцион савдоси 2012 йил 5 июль куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.***

Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 3 июль куни соат 18.00.

Савдога қўйилган мулкий мажмуа билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти).

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Бухоро филиалининг «Турон» банки Бухоро филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000304920609016, МФО: 00111, СТИР: 207122519.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Бухоро ш., Мустақиллик к., 10-уй, 4-қават. Тел.: (8-365) 223-71-36, 223-71-30. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz**

*Лицензия: RR-0001.*

905-1R/1441





# «ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК

ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР

ўзида ишлаб чиқарилган қуйидаги маҳсулотларни харидорларга тақдим этади (нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган)

**СУВ ВА НЕФТЬ-ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР, диаметри 325-1620 мм., девор қалинлиги 6,0-24,0 мм., API-5L стандарти, баҳоси 1 тн. учун 3 950 000 сўмдан бошлаб.**

**СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 000 000 сўмдан бошлаб.**

**ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.**

**Квадрат кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20х20, 25х25, 30х30, 40х40, 50х50, 60х60, 80х80, 100х100.**

**Тўғри бурчак кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30х20, 40х25, 50х25, 30х60, 40х60, 40х80, 50х100, 60х80, 60х100, 80х120. Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.**

**КОНСТРУКЦИЯ УЧУН ПРОФИЛ — 80х40х15, 100х40х15, 100х50х20, 120х60х20, 140х60х20, 160х70х20, 180х70х20, 200х70х20. Девор қалинлиги 2,0-3,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 650 000 сўмдан бошлаб.**

**ПРОФНАСТИЛ — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,4-0,7 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача.**

МАҲСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

**Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.**

03R/97



# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

NBU

## ОЧИҚ ОФЕРТА САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

**Очиқ оферта савдосига Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг қуйидаги корхонадаги устав фондидаги 100 фоиз улуши қўйилмоқда:**

| Т/р | Оферта савдосига қўйилган объект ва фаолият тури | Корхона жойлашган манзил | Сотувга қўйилган улуш (%) | Закалат миқдори (%) бошланғич баҳодан | Бошланғич баҳоси сўм ёки АҚШ долларида | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | сўм | АҚШ доллари |
| 1. | «TOSHKENT QOG‘OZI» МЧЖдаги улуш. Қоғоз ишлаб чиқариш. | Тошкент шаҳри, Фарғона йўли кўчаси, 23-уй | 100% | 1% | 25 854 000 000 | 14 802 473,38 |

Оферта савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар ўрнатилган тартибда тўлдирилган буюртманомаларни Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банкига тақдим қиладилар ва закалат тўғрисидаги келишувга асосан, мазкур эълонда белгиланган миқдордаги закалат пулини Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг БХКМдаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлайдилар: 29801000000000450047, МФО: 00450, СТИР: 200836354.

Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан закалат тўлови эркин муомаладаги валюта(АҚШ доллари)да ёки миллий валюта(сўм)да амалдаги қонунчиликка мувофиқ тўланади.

Оферта таклифларини қабул қилиш муддати 2012 йил 2 июль куни Тошкент вақти билан соат 18.00 да тўхтатилади.

Оферта таклифлари тақдим этилган конвертларни очиш ва оферта савдосини ўтказиш билан боғлиқ музокаралар 2012 йил 4 июль куни Тошкент вақти билан соат 11.00 да ТИФ Миллий банкида амалга оширилади.

Таклифларни очиш вақтида оферта савдосида ўрнатилган тартибда қатнашаётган сармоядорлар ёки уларнинг ваколатли вакиллари иштирок этишлари мумкин.

Оферта савдосида энг мақбул таклиф киритган талабгор оферта ғолиби, деб топилади.

***Тўловларни амалга ошириш тартиби***

Олдиндан тўлов — сотилиш баҳосининг камида 15 фоизи миқдорида, қолган қисми — олди-сотди шартномасида белгиланган муддатларда.

Объект миллий валютада бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг миллий валютадаги қолдиқ қисмига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси бўйича фоиз ҳисобланади.

Объект хорижий валютада (ёки унинг эквивалентида) бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг қолдиқ қисмига банкнинг АҚШ доллари учун база ставкаси бўйича фоиз ҳисобланади.

Ҳужжатларни расмийлаштиришдаги зарур бўладиган давлат божи ва бошқа харажатлар харидор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

**Оферта савдоси ўтказилиши ва оферта ҳужжатларини тўлдириш билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банкининг инвестиция фаолиятини мониторинг қилиш ва мувофиқлаштириш департаментига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин: 100084, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 101-уй. Телефон: (8-371) 234-11-22, 234-15-60. Факс: (8-371) 234-44-38. www.nbu.com**



# «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

**НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ**

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

**I.** Аукцион савдосига Наманган тумани СИБ томонидан, Наманган вилояти хўжалик судининг 2012 йил 2 февралдаги 16-1103/18670-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Қурилиш эффект мед сервис» МЧЖга тегишли, Наманган тумани, «Миришкор» ҚФЙ, «Юқори Ровустон» МФЙда жойлашган, қурилиш ости майдони — 9445 кв.м., фойдали майдони — 1331,49 кв.м., нотўқимачи матолар ишлаб чиқариш цехи ва уч турдаги моддий бойликлар (сув сақлаш цистернаси, металл эритгич печи, ГКТП трансформатори) мужассам ҳолда қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 341 892 737 сўм.***

**Аукцион савдоси 2012 йил 4 июль куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.**

Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 4 июль куни ўтказиладиган савдо учун 2012 йил 2 июль куни соат 18.00.

**II.** Шунингдек, Наманган шаҳар СИБ томонидан, Наманган вилояти хўжалик судининг 2010 йил 29 ноябрдаги 16-1006/12009-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Наманган ободончилиги» МЧЖга тегишли, Наманган шаҳри, Косонсой кўчаси, 21-уйда жойлашган, умумий фойдаланишдаги ер майдони 6538,27 кв.м., жами қурилиш ости майдони 1378,04 кв.м. бўлган маъмурий ва бошқа бино-иншоотлар такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 157 325 433 сўм.***

**Аукцион савдоси 2012 йил 19 июнь куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.**

Аукцион савдосига қўйилган мулклар билан суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар мазкур эълон чоп этилган санадан бошлаб иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 га қадар «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Наманган вилояти филиалида қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти).

Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 19 июнь куни ўтказиладиган такрорий савдо учун 2012 йил 15 июнь куни соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Наманган вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк»и Наманган бўлимидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104920609015, МФО: 00223, СТИР: 207122519.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Наманган шаҳри, Нодира кўчаси, 3-уй. Мурожаат учун телефонлар: (8-369) 226-27-01, 226-54-47. Расмий сайтимиз www.1kms.uz**

909А/1441

*Лицензия: RR-0001.*



**«Ўзбекистон темир йўллари»**

**давлат-акциядорлик темир йўл компаниясига қарашли**

# «НАЗАРБЕК» санаторий-профилакторийсида



**асаб касалликлари, ошқозон-ичак, нафас йўллари, аёллар ва эркаклар жинсий хасталиклари ҳамда хафақон касаллиги билан келган дам олувчилар учун турли хил электр муолажалар, ингаляция, маъданли сув билан ўтказиладиган ҳар хил ванна, душлар, шам-озокерит, шифобахш балчиқ аппликациялари, сауна, ҳовуз, тренажёр зал ва фитобар мавжуд.**

*Тўлов шакли — турлича (пластик карточка билан ҳам амалга ошириш мумкин).*

**Манзил: Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Тарнов қўрғони.**
**Телефон: (8-371) 247-96-51. Факс: (8-370) 974-62-70.**

**Бориш йўли: «Чорсу» бозоридан 461 ва 238-йўналишли таксилар, Жанубий вокзалдан 471-йўналишли такси, «Чилонзор буюм бозори» (Ипподором)дан 235-автобус.**

*Хизматлар лицензияланган.*

900А661


## ОБ-ҲАВО

**(31 май)**

| | Кечаси | Кундузи |
|---|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида | +16 +21 | +34 +39 |
| Бухоро ва Навоий вилоятларида | +18 +23 | +34 +39 |
| Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятларида | +15 +20 | +32 +37 |
| Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида | +18 +23 | +33 +38 |
| Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятларида | +15 +20 | +30 +35 |
| Тошкент шаҳрида | +15 +17 | +32 +34 |


# САРА УРУҒ — ЮҚОРИ ҲОСИЛ ГАРОВИ!

**«URUG-INVEST» Ўзбекистон — Сербия қўшма корхонаси**

**такрорий экин учун Сербия давлатининг Дала ва полиз экинлари илмий институти томонидан яратилган, Ўзбекистон Республикаси далаларида синовдан ўтган сифатли, эртапишар ва ҳосилдор**

**маккажўхори** *(вег. даври — 75-80 кун, ҳосилдорлиги — 8-10 тн/га),*

**кунгабоқар** *(вег. даври — 75-80 кун, ҳосилдорлиги — 3-4 тн/га)*

**дурагайлари ва соя** *(вег. даври — 80 кун, ҳосилдорлиги — 3-4 тн/га)*

**уруғларини таклиф қилади.**



УРУҒЛАР ДАВЛАТ РЕЕСТРИГА КИРИТИЛГАН ВА СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

**www.semena.uz Тел.: (+99897) 778-40-27, (8-371) 234-42-17. Факс: (99871) 234-62-45.**

726R/562



Сертификатланган



# SUVMASH

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

ISO 9001:2008 Certifed Management System

# НАСОСЛАР

тайёрлайди ва таъмирлайди




“ЭЦВ” РУСУМЛИ ҚУДУҚҚА МЎЛЖАЛЛАНГАН
“Д” РУСУМЛИ ЁТИҚ
“К” РУСУМЛИ ТАГЛИККА ЎРНАТИЛГАН
“НК” НЕФТЬ НАСОСЛАРИ
НАСОС СТАНЦИЯЛАРИ
шунингдек, уларнинг эҳтиёт қисмлари.




**Ўзбекистон Республикаси, 100182, Тошкент ш., Ҳусайн Бойқаро кўчаси, 13.**
**Тел.: (+99871) 295-13-00, 295-06-35, 295-06-37, 295-19-08. Факс: (+99871) 295-51-08.**
**E-mail: office@suvmash.uz; suvmash@mail.ru sales@suvmash.uz www.suvmash.uz**

622R/460

# Эзгулик боғининг навниҳоллари

*Боғбон эзгу умид билан ерга ниҳол қадайди. Уни асраб-авайлаб, меҳр ила парвариш қилади. Куни келиб, мана шу ниҳол униб-ўсиб, яшнайди. Улкан дарахтга айланиб, атрофга кўрк, одамларга наф беради. Бу, эзгу ниятли боғбоннинг меҳнати, фидойилиги самарасидир.*



Инсон боласи ҳам табиатан худди шу ниҳол сингаридир. Демак, ота-она фарзандининг бой тафаккурга эга етук маънавиятли шахс бўлиб камол топиши йўлида қанча куч сарфласа, меҳри, эътиборини аямаса, келажакда унинг роҳатини кўриши, шубҳасиз.

Халқимиз табиатан болажон, ҳамиша фарзандим, деб, унинг камолини ўйлаб яшайди. Кимдир болам ҳунар ўргансин, деса, яна кимдир илм йўлидан бориб, олиму фозил бўлсин, дея орзу қилади, бошқа биров эса ўғил-қизининг санъат ё спортда тенгсиз истеъдод соҳиби бўлиб етишиши учун қайғуради. Шуниси ҳам ҳақиқатки, ота-онанинг эътибори, ғамхўрлиги остида намунали таълим-тарбия олган бола келажакда солиҳ фарзанд бўлиб етишиши, элнинг ишончу эътирофига сазовор бўлиши муқаррар.

Бугун барчамиз кўраяпмиз, эшитаяпмиз, жаҳоннинг айрим мамлакатларида болаларнинг соғлиғи, таълим-тарбияси ҳақида қайғуриш у ёқда турсин, ҳатто, бир бурда нон топиб бера олмаётган оилалар қанчадан-қанча... Юртимизда эса, минг шукрки, ёш авлодга ғамхўрлик кўрсатиш, фарзандларимизнинг фаровон келажагини таъминлаш йўлида жуда кўп ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, Президентимиз раҳнамолигида ҳаётга татбиқ этилаётган аниқ йўналтирилган дастурлар туфайли юртимизда оналар ҳамда болалар ўлими билан боғлиқ нохуш ҳолатлар икки-уч баробарга камайди. Ногирон болалар туғилиши ва юқумли хасталиклар тарқалишининг олдини олишга қаратилган саъй-ҳаракатлар эса соғлом авлодни тарбиялаб вояга етказишдек эзгу мақсад рўёбига хизмат қилаётир. Чунончи, мазкур йўналишдаги хайрли ишларимиз, ютуқ ва натижаларимиз халқаро доираларда ҳам юксак эътироф этилаётгани ҳар биримизга ифтихор бағишлайди. Ўтган йили "Save the children" ("Болаларни асрайлик") халқаро ташкилоти ташаббуси билан тузилган жаҳон рейтингида юртимиз болалар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида катта ғамхўрлик кўрсатилаётган энг етакчи ўн мамлакат сафидан жой олганлиги бунинг ёрқин ифодасидир.

## 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

Бундай ижобий кўрсаткичларга ўз-ўзидан эришилаётгани йўқ, албатта. Зотан, тинч-осойишта юртимиз бағрида туғилиб, вояга етаётган ҳар бир фарзанд бугун меҳру эътибордан, бекиёс ғамхўрликдан баҳраманд эканлигини теран ҳис этмоқда. Шаҳару қишлоқларимизда жаҳон андозалари даражасидаги замонавий умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар, мусиқа ва санъатга ихтисослаштирилган таълим даргоҳлари бунёд этилганлиги, спорт жиҳозлари билан таъминланган жисмоний машғулот заллари, кўркам мажмуалар фаолият кўрсатаётгани — ёш авлод камоли учун амалга оширилаётган хайрли ишлар рўёбидир.

Умуман, жисмоний жиҳатдан соғлом авлодни вояга етказиш келажак пойдеворини мустаҳкамлашда муҳим омиллардан ҳисобланади. Шу боис ёшлар, хусусан, қизларнинг спортга қизиқишини ошириш масаласига катта эътибор берилмоқда. Бугунги кунда нафақат катта шаҳарлар, балки энг чекка қишлоқларда ҳам қизалоқларнинг бадиий гимнастика билан шуғулланиши учун муносиб шарт-шароитлар яратилиб, спорт мажмуаларидан ташқари, ўқув масканлари қошида ҳам малакали мураббийлар бошчилигидаги тўгараклар фаолияти йўлга қўйилаяпти. Нафис спорт турига қизиқадиган ўсмир қизларимизга Президент совғалари топширилганлиги эса фарзандларимизга кўрсатилаётган юксак ғамхўрликнинг яна бир ёрқин намунасидир.

Болаларимизнинг истеъдоди, иқтидор ва қизиқишини юзага чиқаришга қаратилган тадбирлар, амалга оширилаётган хайрли ишлар ҳақида ҳар куни эшитамиз ёхуд ўша жараёнда ўзимиз бевосита иштирок этамиз. Дейлик, бугун Қорақалпоғистоннинг олис Шуманайида бадиий гимнастика бўйича нуфузли мусобақа бўлса, эртасига Бойсунда кўзмунчоқдай болаларнинг фольклор дастаси бўй кўрсатади. Индин ёш таэквондочилар беллашуви, сўнг эса жажжи мусиқачиларимизнинг халқаро танловдаги Гран-приси!

Кечагина ҳам ана шундай ажойиб хушхабардан кўнглим тоғдек кўтарилди. Яқин бир танишимизнинг ўғли Навоий шаҳрида бўлиб ўтган "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларида жамоадошлари билан иштирок этиб, ғолиблар сафидан жой олибди. Бу ёшларга Президент соврини — "Дамас" автомашинаси топширилганлигини телевизор орқали томоша қилиб, рости, ич-ичимдан қувондим, ғурур ҳиссини туйдим. Илк бор катта мусобақада қатнашиб, ғолиблик шоҳсупасига кўтарилган ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланган бу болаларнинг эртанги порлоқ келажагини тасаввур этиш нақадар завқли...

Аслида ҳам, фарзандлар саломатлиги ва таълим-тарбиясига ҳар томонлама эътибор берилаётганлиги замирида эртанги кунимиз эгаларига билдирилаётган юксак ишонч мужассам. Президентимиз таъкидлаганларидек, фарзанд бор экан, одамзод ҳамиша келажакни ўйлаб, эзгу орзу-интилишлар билан яшайди.

**Сайёра ТЎЙЧИЕВА,**
**фалсафа фанлари доктори.**

Спорт • Sport • Спорт • Sport

*Германиянинг Дуйсбург шаҳрида байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича ўтказилган Жаҳон кубогининг иккинчи босқичида ҳамюртимиз Вадим Меньков кумуш медални қўлга киритди.*

## Каноэчимизнинг Германиядаги муваффақияти

1000 метрга каноэда эшкак эшишда мезбонлар вакили Себастьян Брендель Вадимдан унча катта бўлмаган фарқ билан ўзиб кетиб, ғолибликка эришди. Учинчи ўрин эса франциялик спортчи Матье Жубелга насиб этди.

Таъкидлаш жоизки, мазкур халқаро мусобақа Вадим Меньков учун Лондон Олимпиадаси олдидан ўзига хос тайёргарлик вазифасини ҳам ўтаб берди.

## Ўзбекистон чемпионати



*Пойтахтимизда шахмат бўйича Ўзбекистон чемпионатининг олий лига баҳслари бўлиб ўтди.*
*Эркаклар ўртасида ғолиб ўн бир турда аниқланди. Унда халқаро гроссмейстер Марат Жумаев саккиз очко билан биринчи ўринни эгаллади.*

Жумладан, бу маҳоратли шахматчи Элбек Алиқулов, Олег Артёменко, Акмал Файзуллаев, Александр Касян, Вилдан Ғуломов ва Сирожиддин Нажмиддиновни мағлубиятга учратиб, Никита Хорошев, Алексей Барсов, Жўрабек Ҳамроқулов ва Баҳодир Холмирзаев билан дурангга имзо чекди. Андрей Квон билан кечган қизиқарли партияда эса имкониятни бой берди.

Иккинчи ва учинчи ўринни Андрей Квон ҳамда Алексей Барсов банд этди.

Тўққиз турдан иборат хотин-қизлар мусобақасида Сарвиноз Қурбонбоева бошқалардан кучлироқ эканини исботлади. У Ирина Геворгян, Ҳулкар Тоҳиржонова, Ольга Собирова, Баҳора Абдусатторова ва Мафтуна Орзиқуловани мот қилиб, Нодира Нодиржонова, Севара Боймуродова ва Гулруҳбегим Тоҳиржонова билан дуранг ўйнади. Якунда 6,5 очко тўплаб, олтин медалга сазовор бўлди.

Кучли учликни Ирина Геворгян ҳамда Ҳулкар Тоҳиржонова якунлади.

**Ш. ОРТИҚОВ тайёрлади.**

## Шифобахш неъматлар

*Юртимиздаги деярли ҳар бир хонадонда тут дарахти парваришланади. У сояси, ипак қурти учун озуқа бўладиган барги ёки жилодор ёғочи туфайлигина эмас, балки мевалари шифобахшлиги учун ҳам алоҳида эъзозланади. Чунки Шарқ табобатида кўпгина хасталиклар тут меваси ёрдамида даволанади.*

## Новдалардаги марварид



Масалан, балх тути иситмани туширувчи, кишига дармон бағишловчи, қон кўпайтирувчи неъмат ҳисобланади. Уни, айниқса, тинкаси қуриган, оғир хасталикни бошидан кечирган беморлар, шунингдек, ҳомиладор аёлларга кўпроқ истеъмол қилиш тавсия этилади.

Абу Али ибн Сино оғиз ва томоқда ҳосил бўладиган шишларни, ичбуруғ касаллигини даволашда тут меваси ҳамда унинг ширасидан фойдаланган.

Балх тутининг фойдали хусусиятлари илмий тиббиётда ҳам атрофлича ўрганилган бўлиб, жумладан, ангина, томоқ бодомсимон безларининг яллиғланиши (тонзиллит) сурункали тус олганида, оғиз шиллиқ пардаларининг яллиғланиши (стоматит) ва диабет хасталигида тут қоқилари асосида тайёрланадиган дамламалар қўлланилади.

Шамоллаш билан боғлиқ касалликлар ва гипертонияда тут қоқиларидан дамлама чой тайёрланиб, истеъмол қилинса, яхши самара беради. Бундан ташқари, юрак хасталикларида тут шарбатидан 2-3 ош қошиқдан кунига 3 марта ичилса, жуда фойдали.

Балх тути таркибида 25 фоизгача карбонсувлар (глюкоза, мальтоза, сахароза, фруктоза кўринишида), органик кислоталар (олма, лимон кислоталари), С белгили дармондори, Р фаол моддалар, темир, калий, кальций, магний ва пектин моддалари мавжуд.

Халқимизда азалдан тут қоқиларидан кулчалар ёпилади, сомсалар пиширишда безак сифатида фойдаланилади. Тут мевасидан шинни тайёрланиб, йил давомида истеъмол қилиб борилса, организмда иммунитетни оширади. Тут меваларидан тайёрланган сирка ҳар қандай ёғли таомларнинг сингиб кетишига ёрдам беради, шунингдек, у таомларга қўшиб истеъмол қилинадиган бўлса, қон босимини пасайтиради.

Ҳозир тут мевалари ғарқ пишган пайт. Соғлиғига эътиборсиз бўлмаган кишилар бундан унумли фойдаланиб, дармондориларга бой ушбу неъматдан ўзига хос захира яратадилар.

**Маннон НАБИЕВ,**
**доришунос.**

## Хабар

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАРНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2012 ЙИЛ 19 МАЙДАН 25 МАЙГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.**

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тижорат банклари томонидан факторинг операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2012 йил 28 апрелдаги 13/2-сонли қарори.*

**2012 йил 21 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 953-1 (2012 йил 31 майдан кучга киради).**

2. «Тижорат банклари томонидан Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига чорвачиликни ривожлантириш учун имтиёзли мақсадли микрокредитлар бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2012 йил 28 апрелдаги 13/3, 41, 20-К-сонли қарори.*

**2012 йил 21 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1567-1 (2012 йил 31 майдан кучга киради).**

3. «Тижорат банклари томонидан шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига чорвачиликни ривожлантириш учун имтиёзли мақсадли микрокредитлар бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2012 йил 28 апрелдаги 13/1-сонли қарори.*

**2012 йил 21 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1568-1 (2012 йил 31 майдан кучга киради).**

4. «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2012 йил 20 майдаги 74-сонли буйруғи.*

**2012 йил 21 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2366 (2012 йил 31 майдан кучга киради).**

5. «Техник кўрикдан ўтказишда ДЙҲХХ органлари томонидан носоз деб топилган, шунингдек белгиланган муддатларда техник кўрикдан ўтмаган ёки тегишли рухсатномасиз қайта жиҳозланган транспорт воситаларининг давлат рўйхатидан ўтказиш рақами белгиларини ечиб олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2012 йил 4 апрелдаги 53-сонли буйруғи.*

**2012 йил 21 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2367 (2012 йил 31 майдан кучга киради).**

6. «Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2012 йил 21 майдаги 113-мҳ-сонли буйруғи.*

**2012 йил 21 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2090-5 (2012 йил 31 майдан кучга киради).**

7. «Қаровсиз қолган ҳайвонларни отиб ташлаш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ички ишлар вазирлигининг 2012 йил 29 мартдаги 3, 9-сонли қарори.*

**2012 йил 22 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2368 (2012 йил 1 июндан кучга киради).**








• Реклама ва эълонлар •





"Ўзқурилишматериаллари" акциядорлик компанияси бошқаруви ҳамда меҳнат жамоаси қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноатининг фахрийси
**Хаким Мухамедаминович АЮПОВнинг**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети раҳбарияти ва Касаба уюшма қўмитаси Сиёсий менежмент ва халқаро журналистика кафедраси катта ўқитувчиси Бахтинисо Пардаевага падари бузруквори
**ЎКТАМ отанинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 554. 91 284 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машрабboев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.25 Топширилди — 21.45 1 2 3 4 5